



УДК 341,231:72:331,7 (045)

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

С.Ҳаққулов

ҚаришДУ мустақил изланувчиси.

О.Киямов

“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маданият тарихининг таркибий қисми ҳисобланган меъморчилик ва архитектура соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласи қисқача ёритилган.

Калим сўзлар: Ўзбекистон, архитектура, меъморчилик, қурилиш соҳаси, тарих, кадрлар, олийгоҳ, меъмор, шаҳарсозлик, мустақиллик, ўрганилиши, тайёрлаш.

Аннотация: В данной статье описывается историография истории архитектуры, которая считалась составной частью истории культуры Узбекистана в годы независимости.

Ключевые слова: Узбекистан, вид, независимость, архитектура, сфера строительство, история, историография, архитектор.

Abstract: This article describes the historiography of the history of architecture, which was considered a component of the cultural history of Uzbekistan during the years of independence.

Key words: Uzbekistan, independence, architecture, construction industry, history, historiography, architect

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотлар қаторида меъморчилик ва архитектура соҳаси алоҳида аҳамиятга эга



эканлигини таъкидлаш жоиздир. Бунинг яққол исботи сифатида кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳарларимиз кўчаларида қад ростлаётган баланд ва гўзал бинолар мисолида кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, тадрижий ривожлантириб борилмоқда. Бу соҳада етук матахассис кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, ушбу йўналишда Тошкент архитектура - қурилиш институти ҳамда Самарқанд архитетктура ва қурилиш институтлари етакчи Олий таълим муассасалари ҳисобланади.

Тошкент архитектура-қурилиш университети: Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб қурилиш ва архитектура соҳасида олий ва ўрта махсус билим юртлари ташкил этилди. Жумладан, Тошкент архитектура-қурилиш университети ушбу муассасаларнинг дастлабкиси ҳисобланади.

Тошкент архитектура-қурилиш университети Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 1991 йил 6 майдаги ПҚ-203 сонли қарорига биноан, Тошкент политехника институтининг архитектура, саноат ва фуқаро қурилиши ҳамда муҳандис қурилиши факультетлари негизида ташкил этилди¹.

Университет архитектура ва қурилиш таълими йўналишлари бўйича Республикада етакчи олий ўқув юрти бўлиб, мазкур йўналишлар доирасида кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини амалга оширишга масъул ҳисобланади. Университет архитектура, саноат ва фуқаро қурилиши, муҳандис-қурилиш ва иқтисодиёт факультетлари, малака ошириш факультети, халқаро алоқалар бўлими, бизнес мактаби, тайёрлов курси фаолият кўрсатади².

¹ <https://lex.uz/docs/787851>.

² Тошкент архитектура-қурилиш институти. Маълумотнома. – Тошкент, 2001. 1 – 3-бетлар.



1996 йилда эса институт қошида академик лицей фаолияти ҳам ташкил этилиб, ўрта махсус кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди³.

Университет фаолиятининг илк йиллариданоқ халқаро олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари олиб борилди. Жумладан, Германиянинг “BAUHAUS” университети билан 1993 йилда алоқалар ўрнатилди. Ушбу ҳамкорликка институт қурилиш материаллари кафедраси ва “BAUHAUS” университети қошидаги “Фингер” номидаги илмий текшириш институти билан тузилган шартнома асос бўлди⁴. Шунингдек, Германиядаги ҳомий ташкилотлари томонидан ТАҚИ лабораториялари учун умумий қиймати 34 минг немис маркасига тенг бўлган турли асбоб-ускуналарни ҳадя этилди. Институт чет эллардаги ўқув юртлари билан талабалар алмашишда, хорижий грантларни қўлга киритишда фаол иштрок этди⁵.

1997 йилдан бошлаб темурийлар даврининг жаҳонга машҳур архитектура ёдгорликларидан бири Самарканддаги Шохизинда мажмуасидаги “Шодимулк оға” мақбарасини таъмирлаш ишлари германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда олиб борилди. Шартнома Германиянинг Фульда шаҳрида жойлашган машҳур тарихий ёдгорликларни таъмирлаш устахонаси томонидан бир томонлама маблағ билан таъминланган. Ушбу шартнома 2003 йилгача давом этди⁶.

2003 – 2004 ўқув йилида институтнинг 27 та кафедрасида 315 нафар профессор-ўқитувчи меҳнат қилди. Улардан бир нафари ЎзФА академиги, халқаро муҳандислик академиясининг академиги ва икки нафари ЎзФА мухбир аъзоси. Беш нафари Шарқ мамлакатлари меъморчилиги Халқаро академияси академиги, 29 нафари фан доктори, профессор, 117 нафари фан

³ Тошкент архитектура-қурилиш институти. Маълумотнома. – Тошкент, 2001. 3 – 9-бетлар.

⁴ Тошкент архитектура-қурилиш институти жорий архиви маълумоти.

⁵ Тошкент архитектура-қурилиш институти. Маълумотнома. – Тошкент, 2004. 2-бет.

⁶ Тошкент архитектура-қурилиш институтининг жорий архиви, 2002 – 2003 ўқув йилида бажарилган ишлар юзасидан ғисобот папкаси маълумотлари.



номзоди, доцент, 168 нафари ўқитувчи-ассистентдир. Факультетларнинг кундузги ва сиртки бўлимларида 2500 дан ортиқ талаба олий таълимнинг 12 та йўналиши доирасидаги 17 ихтисослик бўйича билим олди⁷.

Тошкент архитектура-қурилиш университетида 2008 – 2009 ўқув йилида 2992 нафар талабага 248 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан 19 нафар фан доктори ва профессорлар, 99 нафар фан номзоди ва доцентлар таълим берди⁸.

Тошкент архитектура - қурилиш университетида т.ф.д., проф. Б.А.Асқаров 1991 – 2005 йилларда, т.ф.д., проф М.М.Мирахмедов 2005 – 2009 йилларда раҳбарлик қилган. 2009 йилдан то архитектура номзоди, доцент, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Т.А.Низомов раҳбарлик қилди. ТАҚИ ташкил топгандан 1991 йилдан то 2012 йилгача жами 15071 талаба, жумладан, 14039 нафар бакалаврлар (кундузги ва кечки бўлим мутахассислари) ва 1032 нафар магистрлар тугаллаб, ўзининг меҳнат ва илмий фаолиятини бошлаган бўлса, 115 нафардан ортиқ илмий педагог кадрлар, жумладан 105 нафар фан номзоди, 10 дан ортиқ фан доктори тайёрланди⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПҚ-416-сон “Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, институт Тошкент архитектура-қурилиш университети этиб қайта ташкил этилиб, муҳандислик, архитектура, қурилиш ҳамда қурилиш материаллари технологиялари йўналишларига ихтисослаштирилди¹⁰.

⁷ Тошкент архитектура-қурилиш институти. Маълумотнома. – Тошкент, 2004. 1-бет.

⁸ Тошкент. Энциклопедия. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2009. 80-бет.

⁹ Тошкент архитектура-қурилиш институти. Маълумотнома. – Тошкент, 2012. 6-бет.

¹⁰ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.11.2022 й., 07/22/416/1001-сон/



Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти: Институт Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасида юқори малакали архитектор, қурувчи-муҳандис кадрларни етиштириб берувчи етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Институт “Архитектура”, “Қурилиш”, “Қурилишни бошқариш” ҳамда “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетлари мавжуд бўлиб, уларда 20га яқин бакалавиятура таълим йўналишлари ва 10 дан ортиқ магистратура мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлайди.

Институт ҳозирда 10 та хорижий давлатлардаги турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Жумладан, Германиянинг **Потсдам техника университети** билан “Архитектуравий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва иншоотларни сақлаш”, “Шаҳарларнинг тарихий қисмини сақлаш ва муҳофаза қилиш”, “Қурилиш маданиятини ривожлантириш” йўналишларида, Швециянинг **Упсала университети**, **Қироллик Технология институти**, Литванинг **Каунас Технология Университетлари** билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг “Темпус” дастури асосида “Атроф муҳит муҳофазаси йўналишида сув ресурсларини бошқаришга бағишланган магистрлик дастури тайёрлаш” бўйича қўшма лойиҳаси асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Ундан ташқари Италиянинг Сансоне (Sansone srl) компанияси ва БМТга қарашли ЮНЕСКО ташкилоти билан “Архитектуравий ёдгорликларни сақлаш ва қайта таъмирлаш” соҳасида, Германиянинг “Кнауф” компанияси билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган Маслаҳат марказининг фаолияти йўлга қўйилган¹¹. Жорий йил 14-март куни Туркиянинг Анқара Йилдирим Боязит университети ва Мирзо Улўғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-

¹¹ <http://www.samgasi.uz>. 13/09/2021.



қурилиш университети раҳбар ходимлари билан биргаликда ҳамкорлик тўғрисида давра суҳбати болиб ўтди. Давра суҳбати давомида икки университетнинг келажакдаги устувор режалар, кадрлар тайёрлаш тизимини хорижий, инновацион ўқув технологиялари ёрдамида янада ривожлантириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини ривожланган, хорижий тажрибалар билан янада такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларни кучайтириш ва ривожлантириш мақсадида икки ОТМ ўртасидаги ҳамкорлик шартномасини имзоланди. Ҳамкорлик доирасида олий ўқув юртлари ўртасидаги биргаликда илмий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар учун АЙБУ билан тегишли жамғармалар кўмаги жалб этиш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 ноябрдаги 01-05/23-3 рақамли йиғилиш баёни ҳамда шу мазмундаги Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 03.12.2014 йилдаги 02/2-1203 сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура Қурилиш қўмитасининг 2015 йил 11 майдаги 2589/33-02 рақамли хатига асосан 2015 йил 14-15 май кунлари институтда Хитой Халқ Республикаси Шаҳарсозлик жамияти раҳбари жаноб Ши Нан раҳбарлигидаги делегация иштирокида Архитектура мутахассислари ва талабалар учун халқаро семинар ўтказилди. Мазкур халқаро семинарда институт профессор-ўқитувчилари, талабалар Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида Хитойда олиб борилаётган ишлар билан танишишди, Хитойлик архитекторлар тажрибалари билан ўртоқлашишди. Семинар сўнгида делегация аъзолари билан олиб борилган музокара чоғида келгусида Хитой Халқ Республикаси Шаҳарсозлик жамияти, Синхуа университетининг архитектура мактаби, Тунсзи университетининг архитектура ва шаҳарсозлик институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича келишиб



олинди. 2015 йил 1-14 июль кунлари Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Тарихий марказларни сақлаш ва бошқариш” ЮНЕСКО кафедраси ҳамкорлигида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида 8 нафар хорижий талабалар, 3 нафар хорижий экспертлар ҳамда институт 3 нафар профессор-ўқитувчилари, 11 нафар талабалари иштирокида “Самарқанд шаҳридаги тарихий ҳудудларни ўрганиш” мавзусида ёзги мактаб илмий амалиёти ўтказилди. Мазкур ёзги амалиёт давомида Самарқанд шаҳридаги тарихий турар-жой бинолари рўйхатга олинди ва уларда яшовчи маҳаллий аҳолига мазкур тарихий муҳитга эга турар-жой биноларини яхши сақлаш бўйича тегишли тушунтириш ишлари олиб борилди. Мазкур лойиҳада фаол иштирок этган институт талабаридан 8 нафари махсус сертификатлар билан тақдирландилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимиз истиқлолининг илк йилларидан бошлаб миллий меъморчилик ва қурилиш саноатини янадан ривожлантириш бўйича кўпгина амалий ишлар олиб борилди. Бунда асосий эътибор соҳаси ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилди. Ушбу ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар архитектура ва қурилиш меъёрларини белгилаш билан бир қаторда фуқароларнинг ўзлари яшаб келаётган турар – жойларига бўлган эгалик ҳуқуқларини мустаҳкамлади. Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши асосида соҳа матахассислари тайёрлаш тизими ҳам тадрижий ривожлантирилиб борилмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Тошкент архитектура-қурилиш институти. Маълумотнома. – Тошкент, 2012.



2. “Проблемы реставрации и использования памятников архитектуры Узбекистана» мавзусидаги халқаро анжуман материаллари. (Самарқанд, 2004);
3. “Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлиги муаммолари” мавзусидаги илмий конференция материаллари. (Тошкент, 2003);
4. Тошкент архитектура-қурилиш институтининг жорий архиви, 2002 – 2003 ўқув йилида бажарилган ишлар юзасидан ғисобот папкаси маълумотлари.
5. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё архитектураси тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2000;
6. Аскарлов Ш. Генезис Архитектуры Узбекистана. Т.,2014.- 224 б;
7. <http://www.samgasi.uz>. 13/09/2021.
8. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида.-Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2002.-224 б;
9. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Ўқув қўллама,Т.: Ўзбекистон, 1995.-142 б;
- 10.Воронена В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана.М., 1965;
- 11.Тошкент. Энциклопедия. – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2009. 80-бет.
- 12.Меморчилик ва бинокорлик илмининг долзарб муаммолари.(Илмий ишлар тўплами) Т., 1994.-115 б;
- 13.Миралимов М.М. Сайфиддинов С., Бабажанов М.В. Архитектура. Дарслик, Т., 2016.-316 б;
- 14.Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. Т., 1984;
- 15.Ўралов А.С. Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларидаги архитектураси.//Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 2007 йил, 3-сон, Б.23-28;